

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ХОРАЗМ ФАРЗАНДИ

Тошкент – 2005

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ХОРАЗМ ФАРЗАНДИ

*Аз-Замахшарий таваллудининг
930 йиллиги муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2005

78.342

X 76

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

Ф.Рўзиева

Мухаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Хоразм фарзанди: Метод.-библиогр. қўлл.
/Тузувчи Ф.Рўзиева; Мухаррир Ҳ.Маматраимова.-
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий к-
наси.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий к-наси нашриёти, 2005.-20 б.

КБК 78.342+72.3

Қомусий олим Аз-Замахшарий жаҳон фани ва маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиздан бири ҳисобланади. Ушбу методик - библиографик қўлланма олимнинг 930 йиллик юбилеи муносабати билан тайёрланди. Унда сиз Замахшарий ижодий меросини кутубхоналарда тарғиб қилишдаги баъзи фикрлар билан танишасиз.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005 й.

Муқаддима

Қадимий Хоразм воҳасидан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган жуда кўплаб буюк олимлар, адибу шоирлар, фан арбоблари етишиб чиққани маълум.

Ана шундай муборак зотлардан бири ўзбек халқининг фахри, ифтихори, адабиётшунос, тилшунос адиб Маҳмуд Замахшарийдир. Унинг асарлари мазмун жиҳатдан илм-фаннинг кўпгина соҳаларини қамраб олган. Замахшарий ижодида диний илмлар ва луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиёт, мантиқ, ҳукушунослик соҳалари асосий ўрин эгаллайди.

2005 йилда йирик олим Аз-Замахшарий таваллудига 930 йил тўлади. Олимнинг юбилейи муносабати билан у яратган маънавий меросни чуқур ўрганиш ва асарларини тарғиб қилиш мақсадида қуйидаги методик-библиографик қўлланмани сизларга тавсия этамиз.

Ушбу қўлланмада кутубхона ходимлари учун кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар намуналари билан бир қаторда алломанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик.

Хоразм элининг фахри

Буюк ўзбек олими, арабшунос, шоир ва ёзувчи Абулқосим Маҳмуд ибни Умар ибн Аҳмад Замахшарий 1075 йилда кўҳна Урганч яқинида дунёга келган.

“Ҳар галгидек бугун ҳам Маҳмуд ўрнидан кўзини уқалаб турди-да онасининг “юз қўлингни ювиб, нонушта қил, ўйин қочмайди” дейишига қармай, варрагини олиб томга чиқиб кетди. Хур-хур эсаётган баҳор шабадаси бир пасда варракни осмонга кўтарди. Варрак ҳаволаб юқорилаган сари, Маҳмуд уни янада баландга чиқармоқчи бўлиб

орқасига тисарилаверарди. Ногаҳоний чинқирик онани хушёр торттирди: не кўз билан кўрсинки варрак аллақаёқларга учиб кетган, Маҳмуд эса томдан кулаб, инграб ётар эди. Онанинг дод-войига кўни-қўшнилари тўпланишди. Болани кўтариб уйга олиб кирдилар. Бу орада отаси Абулқосим ҳам етиб келди. Табиб чақирдилар. У оёкнинг синганини айтиб, албатта, жарроҳлик муолажаси зарурлигини уқтирди. Жарроҳ келиб муолажа қилди, жароҳатни очиб суякларини ўрнига солиб, малҳам қўйиб, тахтакачлади... Жароҳатлар тузалди-ю, аммо Маҳмуд бир умрга оқсоқ бўлиб қолди”.*

Ногирон бўлиб қолганига қармай, Маҳмуд дастлабки таълимни отаси Умар ибн Аҳмаддан ва қишлоғидаги мактабдан олади. Ўғлининг қобилиятини кўрган ота уни Урганч мадрасаларидан бирида ўқитади. Маҳмуд Урганчда кучли тилшунос Абумузар Исораҳонийдан дарс олади ва ҳаттотлик ҳам қила бошлайди. Абумузар Маҳмудни давомчиси қилиб қолдириш мақсадида ундан илмий ва моддий ёрдамини сира аямасдан тарбиялайди. Шундан сўнг Замахшарий илмини ошириш учун Бухоро мадрасасида таҳсил кўриб, мустақил мутолаа билан шуғулланган. Бухорода Замахшарий Носир Ҳосирий, Абусаъд Законий, Абулхаттоб ибн Абулбаттар сингари олимлар билан учрашиб улардан сабоқ олади, ҳаттотликни янада пухта эгаллаб, одамларга китоблардан нусха кўчириб бериб, тирикчилик қилади.

Хуросон ва Исфохон, Бағдодга боради, салжукийларнинг саройларида хизмат қилади. У шоҳ Муҳаммад ибн

* Хоразм фахри //Кўҳна Шарқ дарғалари: (Бадий илмий лавҳалар) /Тузувчи-муаллиф Ҳомидий Ҳамиджон.- Т.:Шарқ, 1999.- Б.125

Нўштагин (1097–1127) даврида Хоразмга қайтади. 1118–1119 йиллар оғир касалликка чалинади. Шундан сўнг тузалиб давлат хизматини тарк этиб, араб мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқади. Бир неча йил Ироқ ва Арабистон ярим оролида яшаб, ерли халқларни тили, турмуш тарзи-ю, илм-фани, маданиятини ўрганади. Халқ жонли тили, араб адабиёти билан қизикади. Маккада бўлганда ўзининг “Ал-кашшоф” (“Ошкор қилувчи”) асарини тугатади ва яна юртига қайтиб, умрининг сўнгги йилларигача ватанида яшайди. Замонасининг забардаст, фидойи олими Маҳмуд Замахшарий 1144 йил вафот этади. Унинг мақбараси кўҳна Урганч яқинида жойлашган

Замахшарий ижоди

Замахшарий йирик тилшунос сифатида араб тилининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллади. У тил билими, тарих, география, адабиётшунослик, этнография, ахлоқ-одобга доир 50 дан ортиқ ўзининг “Асос ул-балоғ” (“Сўзамонлик асослари”) деб аталган луғати билан араб луғатчилигини бир неча поғона юқори кўтарди. У луғатда сўзларнинг биринчи ҳарфини ва ундан кейинги ҳарфларини назарга олган ҳолда алифбо тартибида беради.

Ҳозирги кунда бу усул сал ўзгарган шаклда лексикографияда ҳам қўлланилмоқда. Сўзларни изоҳлашда ҳам Замахшарий кўп ишлар қилган. У сўзларнинг асл маъносини бериб, шу маънони тасдиқловчи мисоллар келтиради, сўзнинг қайси иборада қандай маънода қўлланишига эътибор беради, сўз кўчма маъноларининг пайдо бўлиш сабабларини кўрсатиб беради.

Замахшарийнинг “Ал-фоиқ фи ғариб ил-ҳадис” (“Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи”) асари ҳам луғат бўлиб, ҳадис ва адабий асарларда учрайдиган, маъносини тушуниш қийин сўзларга бағишлаб ёзилган.

Бунда ҳам сўзлар алифбо тартибида берилиб, унинг маъносини очувчи шеърий ва насрий мисоллар келтирилган.

Замахшарийнинг “Муқаддаматул адаб” (“Адабиёт муқаддимаси”) асари араб тили учунгина эмас, балки бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. Бу асар беш қисмдан иборат бўлиб, биринчисида исм туркумига кирувчи сўзлар, иккинчисида феъллар, учинчисида кўмакчилар, тўртинчисида исмларнинг турланиши, бешинчисида феъл тусланиши берилган. Арабча сўзларнинг остида форсча, баъзиларида туркий, ҳатто мўғулча таржималари ҳам берилган.

Замахшарий ўткир олим бўлиш билан бирга моҳир ёзувчи ва шоир ҳам эди. Унинг араб тили адабиёти ва услуби соҳасидаги билимлари бадиий асарларида акс этган. Замахшарийнинг “Навобиг ул-калим” (“Ҳикматли сўзлар”), “Мақомат уз-Замахшарий” (“Замахшарий мақомлари”) каби асарлари бадиий насрнинг юксак намуналари ҳисобланади.

“Навобиг ул-калим” асари афоризмлардан иборат. Ундаги ҳикматли иборалар ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак.

Замахшарий шеърларида кўпроқ дунёнинг моддийлиги ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритади, китобхонга ахлоқий масалалар хусусида панд-насихатлар беради.

Олимнинг “Ал кустос фил-аруз” (“Аруз ўлчови”), “Насойих ул-кибор” (“Улуғлар насихати”), “Ал кашшоф” (“Аён этувчи”), Қуръони Карим тафсири китоблари Шарк шеърияти назариясини, адабий-эстетик қарашлар тарихини, ахлоқий-таълимий фикрлар тақомилини ўрганишда ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Замахшарийнинг “Амоул авдия вал жибол” (“Водий ва тоғ номлари”) китоби қадимги Арабистон ва Ироқ мамлакатлари географияси ҳамда халқлари турмуш тарзларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ироқ олими

Фозил Солиҳ аз-Самарний Замахшарийнинг 56 та асар ёзганини аниқлаган.

Буюк ватандошимиз Замахшарийнинг асарлари барча замонларда Шарқу Ғарб халқлари орасида шухрат қозонган. Шунинг учун уни илм-адаб аҳли “Хоразм фаҳри”, “Ажам ва Араб олимларининг устои” (“Устод ул-Араб вал Ажам) сингари номлар билан эъзозлаган. Ҳазрат Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёҳ”) достонининг устози Абдурахмон Жомий таърифига бағишланган бобида Замахшарийни эслаб ўтади:

Арабиятда дарс анинг вирди,
Ибни Ҳожиб камина шогирди.
Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ.

(Арабчадан дарс бериш унинг доимий иши, Ибни Ҳожиб унга камтарин шогирди, Ибни Ҳожибгина эмас, ҳатто Жоруллоҳ ҳам араб грамматикасида унга тенглаша олмайди).

Замахшарий оила ташвишлари ижодга ҳалақит беради, деб дунёдан тоқ ўтган, аммо кўплаб шогирдлари ва асарларини ўз фарзандларидек билган. У шогирдларининг илм олиши ва тарбияси учун бутун вужуди билан меҳнат қилган. Замахшарлик Омир ибн ул-Ҳасан, табристонлик Исроил ибн Абдуллоҳ, абивардлик (Хуросон) Абдулрахмон ибн Абдуллоҳ, самарқандлик Аҳмад ибн Маҳмуд каби машҳур олимлар шулар жумласидандир.

Замахшарий ҳаёти давомида икки марта Маккаи Мукаррамада бўлган, Қуръон ва ҳадисни чуқур билиб, мукамал шарҳлагани учун Жоруллоҳ “Оллоҳнинг қўшниси” деган лақаб олган.

Адабиётшунослик, тилшунослик ва ахлоқ-одобга доир “Жоруллоҳ”, “Фахр Хоразм”, “Устоз уд-дунйа” (“Бутун дунёни устози”), “Устоз ул-араб вал-ажам” (“Араблару ажамликларнинг устози”) каби ўта юксак унвонларга мушарраф бўлган буюк юртдошимиз Замахшарий билан ҳар қанча фахрланишга ҳақлимиз.

Замахшарий ҳикматларидан

Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара. Илм – бу ота, балки у сут беришда онадан фойдалироқдир. У ёмонликни тузатиш учун ҳамма нарсадан яхшироқдир. Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманингга бериб қўясан.

* * *

Ақлли ғофилнинг ҳоли нодон ғофилнинг умрига силтов бўлади.

* * *

Сенга энг яхши маслаҳат мутақаббирлик билан юзингни тескари бурма ва шон-шуҳратинг билан фахрланма.

* * *

Урушқоқ ва жанжалкаш киши ҳафалик билан шодлик орасида яшайди.

* * *

Ҳаддан ошишингни пасайтир, кибрланишдан воз кеч.

* * *

Яхшилик билан инсон камоли, ани қилургача йўқтир мажоли.

* * *

Куёш нури беркитилмайди, ҳақиқат шами сўнмайди.

* * *

Виждонли киши хавфдан ҳоли яшаса, хиёнат килувчи киши беҳаловат яшайди.

* * *

Савдогарнинг шуҳрати чўнтагида.

* * *

Чайқовчи – овчи ити.

Хатолар қилишда оворалардир. Хато – алар тушган аробалардир.

**“Аз- Замахшарий ижодида диний илмлар тарғиботи”
мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш
сценарийси**

Танланган мавзу бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш учун 20-25 кун олдин тайёргарлик ишлари бошланади. Кутубхонада конференция бўлишини билдириш учун аввал эълон ёзилади, таклифномалар тайёрланиб иштирокчиларга юборилади. Конференция ўтиши учун каттароқ шинам хона ёки зал танланади ва безатилади ҳамда Замахшарий ижоди мавзуи бўйича адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади.

Конференцияга адабиётшунослар, файласуфлар, олимлар, педагоглар, Аз-Замахшарий ижоди устида иш олиб бораётган тадқиқотчи ва аспирантлар таклиф этилади. Китобхонлар конференция давомида ўзларини қизиқтирган савол ва мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

Конференцияни олиб боровчи куйидаги сўзлар билан очиши мумкин.

Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, конференциямиз иштирокчилари ва ушбу зиё масканининг ажойиб ходимлари! Ҳозирги кунда, ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни ҳал этиш баробарида кўп асрлик тарихимиз, бой маданиятимизнинг илғор анъаналаридан сабоқ олиш, улуғ аجدодларимиз яратган маънавий меросни чуқур

ўрганишни тақозо этади. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ўз тарихи ва аجدодларини унутмаган, уларга ҳар томонлама муносиб ворис бўлишга интилган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.

Буюк ватандошимиз Аз-Замахшарий ижодида диний илмлар ҳақидаги асарлари оламшумул аҳамиятга эга. Биз бугунги конференциямизда олимнинг ана шу соҳада қилган ижоди ҳақида фикр юритамиз. Мен ҳозир илк сўзни тарих фанлари доктори, исломшунос _____га бераман.

Олим: Ҳурматли конференция қатнашчилари, азиз китобхонлар. Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш соҳасида кейинги 10 йил орасида анчамунча ишлар амалга оширилди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1995 йил Замахшарий ҳазратларининг 920 йиллик таваллуд тўйининг мамлакатимизда кенг нишонланиши бу ишларга муҳим туртки берди.

Маҳмуд Замахшарий номини машҳур этган асарларидан бири унинг “Ал кашшоф” номли Қуръони Карим тафсиридир. У 1132–1134 йиллари Маккада таълиф қилинган...

Олиб борувчи: Раҳмат домла қизиқарли маърузангиз учун. Энди сўз навбатини ҳадисшунос _____га берамиз.

Ҳадисшунос: Ассалому алайкум, ҳурматли конференция иштирокчилари! Ўзбек халқининг ифтихори саналмиш буюк зот Аз-Замахшарий қомусий билимлар соҳиби бўлган. У араб тилини мукаммал даражада эгаллаб, бу соҳага оид фанларни ниҳоятда чуқур билган. Олим ислом динига бағишлаб бир қанча асарлар ёзган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган “Ал Фоик фи ғариб ал-ҳадис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида

ажойиб асар”) асари Замахшарийнинг диний илмлар ҳақидаги буюк асаридир...

Олиб борувчи: Сермазмун ва мароқли суҳбатингиз учун раҳмат. Маърузалар юзасидан саволлар бўлса марҳамат, кимда қандай саволлар бор...

Ҳурматли конференция қатнашчилари! Сизларни Аз-Замахшарий ижодига бағишланган адабиётлар кўргазмасини кўришга ва у билан танишишга таклиф қиламиз.

Билимдонлар беллашуви учун савол-жавоблар

1. Маҳмуд Аз-Замахшарий қачон ва қаерда туғилган?

(Қомусий билимлар соҳиби ўзбек халқининг ифтихори Аблукосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Аз-Замахшарий ҳижрий 467 йил, ражаб ойининг 27 сида, чоршанба куни (мелодий 1075 йилнинг 19 мартида) қадимги Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган).

2. Аз-Замахшарий илк билимини қаерда олган?

(Маҳмуд Аз-Замахшарий дастлабки билимини отасидан, она юрти Хоразмнинг етук олимларидан олган).

3. Замахшарий мамлакатимизнинг қайси шаҳарларида таҳсил олади?

(Замахшарий Урганч ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, Абумузар ибни Жарир Заббил Исфажонийдан таълим олади).

4. Аллома ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асосий маълумотлар қайси манбаларда кўпроқ берилган?

(Аз-Замахшарий ҳақидаги тарихий маълумотларни ўрта асрга оид араб манбаларидан, баъзи биографик маълумотларни эса олимнинг ўз асарларидан олиш мумкин).

5. Замахшарийнинг адабиётшуносликка оид асарларини биласизми?

(Замахшарийнинг “Ал-кустос ал-мустақийм фи илъм ил-аруз”-“Аруз илмида аниқ мезон”, “Мақомат” асарлари бўлиб, улар “Мақоматул-аруз” – “Аруз қоидалари ва шуларга оид ислохотлар”, “Мақомат ул-қавофий” – “Қофия қоидалари, турлари ва шуларга оид ислохотлар”ни ўз ичига олади).

6. Замахшарий қайси мамлакатлар бўйлаб сафарга чиқади?

(Замахшарий илк бор Исфохон, Хуросон, Бағдод, Хижозга, икки марта Маккага сафар қилади).

7. Замахшарий кимлардан сабоқ олади?

(Маҳмуд Замахшарий Бухоро мадрасаларида ўқиб юрганида Носир Ҳосирӣ, Абусаъд Законий, Абулхаттоб ибни Абулбатир сингари замонасининг машҳур олимларидан сабоқ олади, ҳаттотликни пухта эгаллайди).

8. Замахшарийнинг шогирдлари кимлар?

(Замахшарий ўзининг баракали ҳаёти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Замахшарлик Омир ибн ул-Ҳасан, табристонлик Исроил ибн Абдуллоҳ, абивардлик Абдурраҳм ибн Абдуллоҳ, самарқандлик Аҳмад ибн Маҳмуд каби машҳур алломалар унинг шогирдларидир).

9. Маҳмуд Замахшарий ижодида тилшунослик устунми ёки адабиётшунослик?

(Замахшарий қомусий билимлар соҳиби. У араб, турк, форс, тожик, мўғул тилларини мукаммал билган. Олимнинг ижодида диний илмлар ва луғатшунослик, адабиётшунослик, тилшунослик, мантик, география, тарих соҳаларида 50 дан зиёд асарлари мавжуд).

10. Арабларнинг ватандошимиз аллома Замахшарийга берган баҳосини биласизми?

(Замахшарийнинг илмий иқтидори ва истеъдодига тан берган араблар: “Агар ўша хоразмлик туркий бўлма-

ганда, араблар ўз тилларини билмаган бўлардилар”, деб лутф қилганлар).

11. Аз-Замахшарий кўпроқ қайси соҳаларда ижод қилган?

(Аз-Замахшарий қолдирган бой илмий меросни ироклик олим Фозил Солиҳ ас-Самарий маълумотига қараганда, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: диний илмлар, ислом уламолари ва фикҳга оид асарлар, луғат-шунослик, араб тили грамматикаси (сарф ва навх); аруз ва адабиёт назарияси; бадий адабиёт соҳасида (шеърӣ девонлар ва насрий асарлар); мантиқ ва фалсафага оид асарлар; жўғрофия ва этнографияга оид асарлар).

12. Садриддин Айний Замахшарийнинг “Муқаддамот ул-адаб” асари ҳақида қандай фикр билдирган?

(Замахшарийнинг “Муқаддамот ул-адаб” асари ўзбек тили тарихини ўрганиш учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир”, деб ёзган эди ўзбек ёзувчиси Садриддин Айний).

13. Замахшарийнинг географияга оид асарини биласизми?

(Қомусий билимлар олими Замахшарийнинг география фанига оид “Китоб ал-жибол вал-амкина вал-лийох” (“Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб”) номли рисоласи шу соҳада алоҳида илмий қимматга эга).

14. Аз-Замахшарийга нега Жоруллоҳ деб лақаб қўйганлар?

(Замахшарий икки марта Маккада бўлиб Қуръон ва ҳадисни чуқур билиб, мукаммал шарҳлагани учун Жоруллоҳ “Оллоҳнинг қўшниси” деган лақаб олган).

15. Алишер Навоий “Хамса”сида Замахшарийга берилган баҳони биласизми?

(Алишер Навоий ўзидан олдин ўтган буюк адиб ва шоирлар ижодидан руҳланган. У ўзининг “Хамса”сида Замахшарийга қуйидагича баҳо беради:

Арабиятда дарс анинг вирди,
Ибни Ҳожиб камина шогирди.
Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ).

16. “Муқаддамат ул-адаб” асари қачон ёзилган?

(Замахшарий 1137 йилда “Муқаддамат ул-адаб” асарини ёзган, асардаги лексик бирликлар ҳозирги замон Хоразм шевалари лексикасига тўла мос келади).

17. “Муқаддамат ул-адаб” асарининг асл нусхаси қаерда сақланмоқда?

(Ушбу асарнинг Замахшарий ўз қўли билан ёзган нодир нусхаси Техрон миллий кутубхонасида сақланыпти).

18. Замахшарийнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган асарининг номини айтинг?

(Замахшарий “Ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар”) деб аталган асарини пайғамбаримиз ҳадисларига бағишлаб ёзган. Тарихчи Ибн Ҳажар ал-Асқалоний бу китобга “ғоятда ихчам бўлгани билан мазмунан кенг қамровлилиги ва нақлларининг тўғрилиги билан ажралиб турадиган муҳим асардир” деб баҳо берган).

19. Замахшарийнинг қайси асарини ёд олган кишига беш минг кумуш танга пул совға беришни эълон қилган?

(Шом ҳокими Музаффариддин Замахшарийнинг “Ал-Муфасссал фин-наҳв” (Араб тили грамматикасини ўрганиш ҳақидаги) асарини ёд олган кишига беш минг кумуш танга пул ва бош-оёқ сарупо совға беришни эълон қилган).

20. Замахшарий мақбараси қаерда?

(1333 йили Хоразмни зиёрат қилган араб сайёҳи Ибн Батутта (1304 – 1377) Замахшарийнинг мақбарасини кўхна Урганч яқинида кўрганлигини ва унинг устига кубба ўрнатилганлигини ёзиб қолдирган).

“Хоразмлик буюк аллома” номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Ушбу таклиф этилаётган китоб кўргазмасининг мақсади кутубхонада Замахшарий ижоди ва ҳаёти ҳақида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради ҳамда ўтказишга ёрдам беради.

1. Аз-Замахшарий биографиясининг саҳифалари

*Жамиятнинг кенг манфаатлари ва
вазифаларига хизмат қилишга бағишлан-
маган умрни умр демаса ҳам бўлади.*

Н.С.Лесков

Бу бўлимга Замахшарий ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳамда у ҳақидаги нашрлар қўйилади.

2. Замахшарий тилшунос олим

*Замахшарийнинг “Муқаддамот ул-
адаб” асари ўзбек тили тарихини
ўрганиш учун бутун дунёнинг хазинаси
билан баробардир.*

С.Айний

Ушбу бўлимда Замахшарийнинг тил соҳасидаги қилган ишлари ва ёзган асарлари нашрлари қўйилади.

3. Аз-Замахшарий ислом илмини тарқатувчи адиб

*Доно суҳбатидан сира қочмагил,
Таъсирин ўтказар сенга ҳам у тил.
Носир Хисрав*

Бу бўлимга адибнинг одоб-ахлоқ, мантиқ, ҳадис, фикҳ соҳасида ёзган асарлари ва улар ҳақидаги нашрлар қўйилади.

4. Замахшарий қомусий олим

*Илмдан бир шуъла дилга тушган он
Шунда билурсанким, илм бепоён
А.Фирдавсий*

Бу бўлимга қомусий билим эгаси Замахшарийнинг ноёб дурдона асарлари наشري қўйилади.

Кутубхонада ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Қуйидаги мавзулар тахминий бўлиб, барча кутубхоналар ундан фойдаланишлари ва ўзлари учун қулай шакллари танлаб олишлари мумкин.

Конференция

1. “Аз-Замахшарийнинг “Ал Кашшоф” асарининг тарбиявий аҳамияти”.
2. “Хоразмлик буюк аллома ижоди”.
3. “Аз-Замахшарий ҳикматларининг ҳаётдаги ўрни”.
4. “Замахшарий тилшунос олим”.
5. “Муқаддамат ул-адаб” асарининг мавзуси.

Адабиётлар қўргазмаси

1. “Аз-Замахшарий қомусий олим”.
2. “Хоразм фаҳри”.
3. “Аз-Замахшарий ижодини ўрганамиз”.
4. “Замахшарийнинг илмий-маънавий мероси”.
5. “Замахшарий ҳикматлари ҳаётга”.
6. “Замахшарийнинг “Рабийъ ул-аброр ва нусул ул-ахёр” асарини ўрганамиз”.

Давра суҳбати

1. “Маънавий мерос қудрати”.
2. “Замахшарий луғатшунос”.
3. “Ислом илми жонкуяри”.
4. “Устоз уд-дунйа” унвони соҳиби”.

Билимдонлар беллашуви

1. “Аз-Замахшарийнинг тилшуносликдаги ўрни”.
2. “Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асарини биласизми?”
3. “Замахшарийнинг одоб-ахлоқ” ҳақидаги асарларини биласизми?”
4. “Замахшарий ҳикматларини биласизми?”

Адабиётлар

Абдирашидов З. Замахшарий ва унинг “Ал Кашшоф” асари //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2004.-№1.-Б.5-7.

Абдулазиз Мансур. Имом Замахшарий насихатлари: Алломанинг 920 йиллик юбилейи олдида //Ислом нури.-1995.-№4.-Б.2.

Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Ўғитлар /Баҳриддин Турғунов тўплаган //Тошкент оқшоми.-1995.-10 март.

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар /Шарҳлар муаллифи ва тарж. У.Уватов; Нашрга тайёрл. Асад Дилмурод.-Т.: Камалак, 1992.-80 б.

Аз-Замахшарий. “Атвоқ аз-захб”дан намуна //Қишлоқ ҳақиқати.-1991.-10 июль.

Аз-Замахшарий дейди: /Ҳикматли сўзлар //Ватан.-1999.-2-8 нояб.

Аз-Замахшарий. Залворли иборалар //Ватан.-1998.-26 июнь -2 июль; 3-9 июль; 10-16 июль; 17-20 июль.

Аз-Замахшарий. Залворли иборалар //Ватан.-1998.-8-14 май

Алломаи даврон ўғитлари. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллигига //Қишлоқ ҳаёти.-1995.-22 сент.

Болтаев А. Замахшарийни қийнаган дард //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2003.-№1.-Б.76-77.

Донолар бисотидан /Аз-Замахшарий //Ватан.-1999.-7-13 май.

Замахшарий. Бир ҳовуч гавҳар: /Ҳикматли сўзлар //Қишлоқ ҳақиқати.-1993.-18 февр.

Зайниддинов Ҳ. Сўз салтанатининг тождори: /Буюк аллома Замахшарий //Тошкент оқшоми.-1995.-10 март.

- Маънавият юлдузлари /Масъул муҳаррир М.М. Хайруллаев.-Т.:Абдулла Қодирий нашриёти,1999.-400 б.
- Маҳмуд Маҳкам. Шарқ алломаси ҳикматлари.-//Гулистон.-1995.-№3.-Б.56.
- Мирсоатова М. Алломани эслаб //Тошкент окшоми.-1996.-8 янв.
- Пирмуҳаммедов Б. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Рабиъ ал-Абрф” асари ва унинг қўлёзма нусхалари //Имом ал-Бухорий сабоклари.-2002.-№ 1.-Б.71-72.
- Раҳимов О. Маънавий мерос кудрати //Халқ сўзи.-2004.-22 июль.
- Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий /Хоразмли шоир.-Т.: Фан, 1971.-32 б.
- Сулаймонова Н. “Устоз-уд-Дунйа” ёхуд Аз-Замахшарий ибрати //Таълим ва тарбия.-2001.-№1-2.-Б.62-63.
- Уватов У. “Замахшарий хирадномаси” //Гулистон.-1995.-№3.-Б.56.
- Уватов У. Хоразмлик буюк аллома //Халқ сўзи.-2004.-5 май
- Уватов У. Маҳмуд Аз-Замахшарий.-Т.: Абдулла Қодирий нашриёти, 1995.-72 б.
- Ҳакимов А. “Ал Кашшоф” буюк кашфиёт.-//Ma’rifat.-1998.-10 июнь.
- Ҳомидий Ҳомиджон. Кўҳна Шарқ дарғалари: Бадий-илмий лавҳалар.-Т.: Шарқ, 1999.-352 б.
- Аз-Замахшарий //Ўзбекистон миллий энциклопедияси 3-жилд. Гидровилия – Зебралар/ Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов ва бошқ.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002.-Б

Мундарижа

Муқаддима	3
Хоразм элининг фахри	3
Замахшарий ижоди	5
Замахшарий ҳикматларидан	8
“Аз-Замахшарий ижодида диний илмлар тарғиботи” мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш сценарийси	9
Билимдонлар беллашуви учун савол-жавоблар	11
“Хоразмлик буюк аллома” номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар	15
Кутубхонада ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	16
Адабиётлар	18

Босишга рухсат этилди 2005 йил “___” _____
Бичими _____ нашр. т. _____ нусха. Буюртма № _____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди